Ушбу макола сарлавхасидаги мавзу бир неча асрлардан бери кўп бахс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган масалалардандир. Шунингдек, “катли халолми” деган сўз (халол-харом, жоиз-ножоиз, раво-нораво каби) шаръий ибора бўлгани учун хам хаммага тушунарли бўлиши учун кўлланмокда. Хозирги дунёкарашнинг мохиятидан келиб чикиб айтганда, замонлар алмашинишига карамай кўпгина тадкикотчилар эски ва янглиш фикрда колганлари маълум бўлмокда. У хам бўлса Мансур Халлож ножоиз ўлдирилган ва унинг катлига фатво берганлар “диний реакцион тўдалар”, ёки “бир гурух жохил рухонийлар” деган карашлардир. Шундай фикрни баъзи тадкикотчилар хозир хам ўз илмий тезисларида илгари сурмокдалар.

Абумаъфиб Абдулло ибн Ахмад ибн Абутохир Хусайин Мансур Халлож Эроннинг Ботзо (айрим манбаларга кўра, Тур) мавзеида 858 йили хунарманд оиласида таваллуд топган. Унинг “Халлож” (халлож – пахта тозаловчи, пахта йигирувчи) деб аталишига сабаб оиласи пахта тозалаш ва сотиш билан шугулланган. Бошка манбага кўра, дўконида пахтани чигитдан ажратиб ўтирган дўстига илтимос билан бир иш айтади. У рози бўлиб кетгач, Мансур мен дўстимнинг тирикчилигини зое килдим, агар ишга буюрмаганимда ушбу юмушини тугатган бўлурди, деб каромат билан кўлида ишора килиб бир канча микдор пахтани чигитдан ажратиб кўяди. Шундан кейин у “Халлож” деб атала бошлади (Фаридиддин Аттор. “Тазкиратул авлиё”). Мансур Халлож Куръони Каримни ўн икки ёшида тўла хатм килади (ёд олади). Ахли сунна вал-жамоа таркибидаги (Ханафия, Шофиъя, Ханбалия, Моликия) тўрт мазхабда рухсат сўрамай, ўз азимати билан амал килади (бу мазхабларнинг хохлаганида амал килиш факат ижтиходчиларга – диндаги комил олимларгагина рухсат берилади). У жами юзга якин шайхларга муридлик килади. Улардан машхурлари – Сахл ибн Абдулло Тустарий, Абу Абдулло ибн Умар ибн Усмон Маккий, Жунайд Багдодийлардир. 18 ёшида Тустарга келиб 2 йил Абдулло Тустарийнинг кўлида таълим олади. Усмон Маккий хизматида 8 йил тахсил кўради. У Якуб Октонинг кизига уйланади. 27 ёшида унинг маънавий сармастлиги бошланади. Багдодда Шиблий, Жунайд Багдодийлар билан хамсухбат бўлади. Жунайддан каттик имтихон тарзида масала сўрайди. Жунайд огриниб :

- Якин орада сени дорга осгайлар ва гўштингни парча-парча килиб, ўтда ёккайлар,-дейди. Мансур жавобан:
- Мени дорга осишадиган куни сен суратингни ўзгартириб, бошка кийимлар кийгайсан ва менинг катлимга фатво бергайсан, -дейди. Жунайд хайратланиб колади. Хакикатан такдир шундок бўлади. Казо-кадар вакти келиб Багдод шахрининг уламолари унинг катлига фатво ёзадилар ва Жунайдга хам ёзиб имзо чек, дейдилар. Жунайд суфийлар либосини ечиб, уламолар кийимини кийиб, фатвога имзо чекиб айтадики: “Биз унинг зохирини хукм килурмизким, катл килингувчидир, ботинини эса Аллох билур”.

Мансур Жунайддан саволига жавоб ололмай, ундан ижозат сўрамай Тустарга бориб бир йил туради. Халк киядиган тўнни кийиб бир канча вакт улар орасида бўлади. Одамлар унинг сўзини кабул килмайдиган бўлади. У ердан чикиб, Ахвоз, сўнг Маккага келиб икки йил мужовирлик (хожиларга сув берадиган, уларни етаклайдиган ва шу каби юмушларни савоб учун бажарадиган хизмат тури) килади. У ердан кайтгач ахволи

ўзгаради. Халкни маъно ва маърифат билан даъват килишга ўтади. Сўзлари одамлар “курсогига” сигмайдиган бўлади, яъни уни санокли шайхлардан ташкари хеч ким тушунмайдиган бўлади. Мансурни элликта шахардан кувадилар. Мансур Халлож борган шахарлар – Тустар, Багдод, Басра, Макка, Ахвоз, Синд, Мўлтон, Кашмир, Хуросон ва Мовароуннахрнинг кўп шахарлари, Бухорода хам бўлиб, бу ердаги мадрасаларда маъвизалар килган (маъруза ўкиган). “Тазкиратул авлиё”да келтирилишича, хар куни тўрт юз ракат намоз ўкир (бошка манбага кўра минг ракат) ва буни фарз килиб олган эди. Хар бир намозини гусл килиб ўкийди. Кароматлари – кўлида ишора билан пахтани чигитдан чикариш, тўни ичидан, кўйнидан пишган овкат чикариш, бошкаларнинг кўлидаги кишанларини ишора билан узиш, ўзи билан чаён олиб юриш ва х.к. Асарлари – “Тавсин”, “Ал-хаёкал”, “Ал-кабирият ал-ахмар”, “Нур ал-асл”, “Жисм ал-кабир”, “Жисм ал-сагир”, “Бўстонил маърифат” ва наътлар, илохийлик тараннум этилган шеърлар.

Одамлар, хатто баъзи шайхлар хам унинг маънавий сармастлигини адабсизликка йўядилар, айрим борган жойларида тошбўрон киладилар. Кўп валийларнинг одати шундайки, ўз маънавий холатларини оммага терс килиб кўрсатадилар. Ўзи хам хажга борганида дуо кабул бўладиган жой – Арофатда “Эй Аллох, мени расвойи жахон кил, токим халк лаънатласин!” деб нола килади. Ўзининг ортидан эргашган мухлисларига, муридларига кароматлар кўрсатади. Бундай кароматларини бошкалар жодуга ва куфрга нисбат берадилар. У “ Анал Хак” (Хакман, яъни Худоман) дейди. Фаридиддин Аттор “Тазкиратул авлиё”да: “...Энди мен ажабланурман ул кишигаким, бир дарахтдан “Анал Хак” чикса, раво тутар (мумкин дер), холбуки у ерда дарахт йўк, сўзлаган Хакдир! Хусайн Мансур Халложнинг вужуд дарахтидан “Анал Хак” чикса, раво тутмаслар, холбуки, Хусайн у ерда йўк, сўзлаган Хакдир. Нечукким, хазрати Пайгамбар (с.а.в.) мархамат этарки: “Хак таоло Умар тили билан сўз сўзлар. У ерда (Мансур вужудида) на мулхиднинг (Худога мункир бўлган дахрийнинг), на-да бошканинг сўзи бордир” (Мирзо Кенжабек таржимаси). Абул Косим Кушайрий ривоятига кўра, агар у (Мансур Халлож – Ш.Ж) макбули Хак бўлса, халкнинг радди билан мардуд (рад этилган) бўлмас, агар мардуд (Худо рад килган) бўлса, халкнинг кабули билан макбул (Худога макбул) бўлмас.

Кўп шайхлар Жунайдга ўхшаб Мансурни эътироф этганлари холда ўзларини олдидан кувганлар. Масалан, Усмон Маккий Мансурнинг ёзув устида кўриб “Нима ёзурсан?” деганида, Халлож “Куръонга муораза (эътирознома) ёзурман” дейди. Бу сўз шайхга огир ботиб “Бадхудор бўлмагин!” деб ёнидан хайдайди. Айтадиларки, Мансур Халложга не бало келган бўлса, ана шу дуоибаддан келди. Яна бир наклга кўра, Усмон Маккий бир куни “Ганжнома” таржимасини бир когозга ёзиб, жойнамозининг тагига кўйган эди. Мансур келиб ўша сахифани олади. Бу нарса шайхга маълум бўлиб айтадики: “Хусайн келиб, сўрамасдан когозни олибди, тез орада унинг кўл-оёкларини кесгайлар ва уни дорга осиб ўтда ёккайлар, кулини кўкка совургайлар” дейди.

Султон Баховаддин Валад (Мавлоно Румийнинг фарзанди) “Маориф” асарида шундай ёзади: “Мансур Халложни унинг замондош уламо ва авлиёлари – хатто Жунайд Багдодий, Абубакр Шиблий каби муршидлар хам – зохирда инкор этдилар ва жонига касд килдилар ва барчаси келишиб, уни дорга осишга фатво бердилар. Натижада ўшандай жахоннинг ягона азизини дорга осиб катл этдилар. Дордан тушириб оловга солдилар, куйиб кул бўлгандан кейин оламда асари колмасин деб кулини кўкка совурдилар. Дейдиларки, (котиллар) нима иш килмасинлар, ерда, осмонда олов ва сув устида “Анал Хак” деган ёзув – Сўз пайдо бўларди. Бу кароматни кўргандан кейин

барчаси пушаймон бўлдилар, бу пушаймонлик бизнинг замонгача давом этиб келмокда. Ўшандан буён Мансур номи тилга олинмагунча, уни хотирламасдан мажлислар кизимайди, сухбатларга файз кирмайди. Киёматгача шундай колажак! Рахматуллохи алайха (унга Аллохнинг рахматлари ёгилсин).

Окибат уни ушлаб Халифа Муктадир хузурига олиб келадилар. Халифа унга “Анал Хак дема, Хувал Хак дегил”, дейди. Мансур биз учун шундай демок керак, дейди. Халифанинг вазири Исо уни зиндонга солади. У ерда бир йил ётади. Одамлар келиб ундан масалалар сўраб туради, кейинчалик бу хам такикланади. Сўнги беш ой олдига одам кўйилмайди. Машхур шайхлар Ибн Ато билан Абу Абдуллох Хафиф бир марта бориб кўрадилар. Яна бир марта Ибн Ато бир кишини жўнатиб айттириб юборадики: “ Эй, Мансур, бу сўзни айтдинг, узр сўра, зиндондан кутуласан”. Мансур жавобан: “Мен не дедимки, узр сўрайман? Холикни кўйиб, халкка ёлвормайман” дейди. Ибн Ато эшитиб “Биз Хусайннинг ўндан бирича хам эмасмиз”, деб йиглайди. Шиблий эса “Мен билан Халлож бир хилмиз, фаркимиз шундаки, мени жинни деб эълон килишди, кутулиб колдим, уни эса акли халок этди” дейди. Фахруддин Али Сафий (Хусайн Воиз Кошифийнинг ўгли) “Рашахоту айнил-хаёт” асарида Хожа Али Ромитаний (к.т.с.) рашхасида (12.Рашха): “Ойдиларким: “Агар хамайи рўйи заминда Хожа Абдулхоликнинг фарзандларидин бирлари бўлса эрди, Мансур харгиз дорга кетмас эрди, яъни агар Хожанинг фарзанди маънавийларидин бирлари хаёт бўлса эрди, Хусайн Мансурни тарбият бирла ул макомдин ўткарур эрди” (59-бет). Бундан хулоса чикадики, Мансур Халложнинг макоми, яъни “Анал Хак”ка етиш энг олий маком ёки комиллик нуктаси эмас экан. Ундан ўтилганда хам бир неча холлар (макомлар) мавжуд. Эътибор килинг, Хожа Абдулхоликнинг ўзи ёки у каби авлиёларгина эмас, хатто уларнинг маънавий фарзандлари, яъни муридлари Мансурнинг ўша жазабали холатидан мурокаба, тасарруф ва тарбият билан ўтказишга кодир эканлар. Демак, кейинги давр суфийликда валийлар янада юксак маънавий макомларга чика олганлар. Шунингдек, тасаввуф тарикатлари шу даврлардан бошлаб юксалган, синтезлашган. Масалан, жахрий зикрдан сокин зикрга ўтиш ва бошкалар. Хожа Алоуддин Атторнинг Хожа Бахоуддин Накшбандий хакидаги асарида хам шунга далил бўладиган мисоллар кўп. Хусусан, Бахоуддин Накшбандий: “Менда Мансурнинг холати жўш урди, Аллохнинг ёрдами билан бу макомдан ўтиб олдим” дейди. Демак, бу эътироф суфийликда Халложнинг макомидан кейин яна комилик сари сокин макомлар бошланишини билдиради. Фахруддин Али Сафийнинг “Рашахоту айнил-хаёт”да Хожа Убадуллох Ахрор Валий тўгрисидаги рашхада (учланчи фасл, 83-рашха, 368-бет): “Ойтур эрдилар: “Одамлар тасаввур этибдурларким, магар камол “ана-л- Хак” демакда турур. Камол онда турурким, лафзи “ана”ни аввали калимадин кўтариб, харгиз онинг ёдини этмагайлар”. Демак бизнингча, бу матнни шундай изохлаш керакки, “анал Хак”нинг “анал”ини айтмай “Хак”нинг ўзини айтса зикр хосил бўлади. Шунингдек, киши ёки зокир “анал” айтмаса битта борликни ифода этган бўлади. “Анал Хак”да эса омма наздида куфр калимасидан ташкари иккита борлик “мен – худо” сўзлари ясалмокда. Икки борликни ифода этишдан кўра “бир борлик”-“Хак” дейиш олий макомдир. Хожа Ахрор Валий хазратлари шунга ишора килган бўлиши мумкин, яна Аллох билади. Колаверса, Хожа Бахоуддин Накшбанд хазратнинг:

“ Худонинг мардлари худо эмаслар,
Лекин худодан хам жудо эмаслар ” деган байти Мансур Халложни тўгри идрок этишимизга ёрдам беради.

Энди шайх Мансурнинг катли сахнасига келайлик. У зиндонда махбусларга айтадики: “Эй, ахли зиндон! Агар хохласангиз, сизни озод айлайин, чикинг, кетинг”, - деганида махбуслар жавобан: “Агар кўлингдан келса, ўзингни озод этардинг, бу балодан кутулардинг” дейдилар. Мансур кўли билан ишорат килганида барчаларининг кишанлари узилиб тушади. “Зиндон эшиги нима бўлади, кандок чикамиз?” деганларида яна у бир ишорат билан зиндон эшигини очади. “Сен кочмайсанми?” деганларида Мансур “Менинг Хак билан ишим бор, жойига тушмоги керак” дейди. Посбонлар келиб ундан махбусларни сўрасалар “Озод этдим” дейди. У ана шу тарика зиндонда “фитналар” содир этади. Бир гал Мансурни зиндондан топа олмайдилар. Иккинчи куни зиндоннинг ўзини топа олмайдилар. Мансурдан “Нима бўлди, кайда эдинг” деганларида, жавобан у “Биринчи кеча Аллохга бордик, шунга мени топмадилар, иккинчи кеча Аллох бизга келди, шунинг учун зиндонни хам топа олмадилар” дейди (тавхидни химоя килиб айтганда, бизнингча, бу Хакнинг тажаллиси холос, шу ўринда Аллох бевосита (вахийсиз, Жаброилсиз) Мусо калимуллох билан сўзлашган тогни эсланг, чунки, худога макон иснод этиб бўлмайди – Ш.Ж.). Шу ходисаларни халифага етказганларида у “ Мансурга дарра уринг, гапидан кайтмаса ўлдиринг!” дейди. Мансурни зиндондан чикариб таёк урадилар. Хар таёк урганларида “ Ё, Ибни Мансур, Ла тахоф индал холлий” деган садо эшитилган экан. Кейин уни дорга осиш учун олиб борадилар. Кўп манбалардаги бир хил наклга кўра Мансур дор томон хиромон, раксга тушиб, хурсанд борган экан. “Шу холатда ўйнамок вактими?” деганларида, у “Ахир курбонлик ўрнида (шахид мартабасида) кетаётирман” дейди. Бир дарвеш шу холатда кетаётганида ундан “Ишк нима?” деб савол сўрайди, Мансур жавобан: “Бугун, эртага, индинга нимани кўрсанг шу ишкдир” дейди. Хакикатан, биринчи кун унинг оёк-кўлини кесиб, тошбўрон килиб, дорга осадилар, иккинчи кун жасадини ўтда ёкадилар, учинчи кун кулини йигиштириб кўкка совурадилар ва Дажла дарёсига ташлайдилар. У дор томон шодлик кўрсатиб борар экан шогирдларидан бири Халложда васият килишни сўрайди. Мансур : “Нафсинг сени машгул килишидан аввал сен нафсингни машгул кил, бундай хол авлиёларнинг ишидир” дейди. У дор пиллапоясига етиб келгач, дор зинасини ўпиб, тавоф килади. “Пиллапояни нечун ўпасан?” десалар, у “ Ошиклар меърожи осилмокдир” дейди (хар кимнинг меърожи бор, жумладан, Пайгамбар (с.а.в.) хадисига кўра, мўъминнинг меърожи – намоздир, меърож – арабчасига лугавий жихатдан руъжу, уръжу, меърож (шу уч масдарга кўра) – чикиш, юксалиш маъноларини беради, киёслашнинг ўринли эканлигига карангки, дорга хам чикилади). Одатга кўра осиш вакти юзига коп кийдирмокчи бўладилар, Мансур унамасдан очик юзлик билан ёпинчикни ечиб ташлайди ва икки кўлини кўтариб киблага караб муножот килади. Шу холатда шайх Шиблий унинг олдига келиб Куръони Каримнинг Хижр сураси 70-оятини ўкийди (маъноси: “Биз сени барча оламлардан кайтармаганми эдик?!”) ва Халлождан “Суфийлик нима?” деб сўрайди. Халлож “Камтарин макомини хозир кўрасан!” дейди. Шиблий “Аъло макоми кандай?” деб сўраса, у “Сенга у томонга йўл йўк!” деб жавоб беради. “Хол нима?” деб сўраганларга Мансур: “Хак билганни хеч ким билмайди, ўзини ўзи хам билмайди” дейди. Хамма Мансурни тошбўрон кила бошлайди. Шайх Шиблий хам шаръиатга муваккат килмок учун гул (баъзи манбаларга кўра лой) отади. Шунда Мансур ох чекади. “Шунча одамлар тош отдилар индамадинг, Шиблий гул отса “Ох!” демокдасан” десалар у “Тош отаётганлар билмай отмокдалар маъзурдирлар (узрлидирлар), Шиблий эса билиб туриб отди” дейди. Халложнинг кўлини кесаётганларида кулади. “Нега куласан?” десалар, у “Суврат кўлим кесилди, сифат кўлим кесилмади ва ўша кўлимни хеч качон кесолмайсизларки, у билан

химмат бўркини Арш устидан олиб бошимга кийдим” дейди. Унинг оёгини кесганларида хам табассум килади ва айтадики: “Бу оёгим дунё сафарини килардим, кесилса гам эмас, сифат оёгим тургайки, у билан охират сафарини килгайман!” дейди. Икки кўлини тирсакларига кадар кон суртади, кейин юзига хам булайди. “Нега бундай килмокдасан?” десалар, айтадики “Ишк тахоратини олмокдаман, ишк учун кон билан вузъу килинади!” дейди. Халложнинг тилини кесмокчи бўлганларида “Бир дам сабр килинглар, муножот этайин”деб киблага юзланади:

- Илохи! Бу менга килинган рахматни Сенинг шаръиатинг ва буйругинг ўрнига тушсин, деб килмокдалар. Илохи! Буларнинг гунохи йўкдир, барчаларини ёрлакагин ва умидларига етказгил! Илохи, Подшохо, Парвардигоро! Менинг кўл ва оёкларимни кесган бўлсалар, Сенинг ризонг учун ва Сенинг йўлингда кесдилар. Илохи! Буларни хам рахмат айла, бенасиб ва махрум килмагил!.. –дейди. Бу гал унинг тилини кесиб, кўзларини ўйиб оладилар. Бир канча кишиларга бу таъсир килиб йиглайдилар. Шом намози вактида, казо кунида, ризо майдонида, тавхид мухофазаси соатида, 922 йил зул-каъда ойининг 23-куни, Наврўздан етти кун аввал, Дажланинг дарёсининг тошишидан икки кун олдин Хусайн Мансур Халлож жон беради. Уни парча-парча килганларида хам этининг хар бўлагидан “Хак, Хак, Анал Хак” деган садо чикади. Эртасига майдонга келганларида хам бутун атроф “Анал Хак” садосига тўлган эди. Тириклигида тилидан жорий бўлган “Анал Хак” энди унинг хар бир узвидан (аъзосидан) чика бошлайди. Одамлар, бунинг фитнаси аввалгисидан хам ошиб тушди, дейдилар. Бу сафар унинг гўштларини йигиштириб олиб ўтда ёкадилар. Бошка кун кулини Дажла дарёсига ташлайдилар. Дажла устида хам “Анал хак” садоси тўлиб кетади ва дарё тоша бошлайди. Кўп манбаларга кўра, Дажланинг тошишига кулни ташлаш сабаб бўлган экан. Мансур Халлож хакида ёзилмаган бошка манбалар хам дарё тошиш вакти уни катл килинган кунлар бўлганини эътироф этади. Мансур ўлимидан аввал бир муридига куйлагини ечиб бериб “Менинг кулимдан Дажла тошгай ва Багдодни хароб килгай. Дарё тоша бошлаган захоти хиркамни сувга карши тутгил”, деган экан. Ўша шогирд хиркани сувга карши тутганида дарё сокинлашиб, ўзанига кайтган экан. Мансур Халлож катлидан кейин кўп шайхлар уни тушида кўрганларини айтганлар. Кўрилган тушлар эса бир-бирига ўхшаш, яъни тушда хотифдан овоз эшитилади: “Биз Халложга сиримиздан бир сир кўрсатдик, у эса фош килиб кўйди, кимки Султоннинг сирини фош этса, жазоси шудир!”

Шайх Шиблий эса Халлож турбатида Аллохга муножот килиб: “ Бу мўъмин ва ориф эди. Нечун бу балони унга килдилар?”деб ниёз айлайди. У хотифдан “Эй, Шиблий, бу балони шунинг учун килдикки, у Бизнинг сиримизни ўзгага сўзлади. Сир сакламаганнинг жазоси шудир!” деган овоз эшитади. Шиблий Халложни тушида кўриб сўрайди: “ – Сенга шунча азоб берган халкни Хак нима килади?

- Икки тоифасини хам рахмат айлади. Бир гурухи менинг холимни билиб шафкат этар эди, шунинг учун рахмат килинди. Бошка гурух менинг холимни билмас эди, Хакнинг амри бажо бўлсин, деб (тавхидни химоя килиб) азоб берар эди. Шунинг учун рахмат килинди” –дейди. Наклга кўра, дор осилаётган Халлождан масала сўрагани хатто Иблис хам келади: “Сен “Анал Хак” дединг, сенга рахмат айлади, мен “Анал хайр” дедим, менга лаънат ўкилди, сабаби недир?” –дейди Шайтон. Мансур у лаъинга жавоб бериб дейди: “ Сен ужб, кибр, манманлик килдинг, мен кибрни ўзимдан кувдим, сабаби шудир” (Тазкирату авлиё). Дерларки, эрта киёмат куни аросат бўлгай, Мансурни занжир билан боглаб келтиргайлар. Агар хайратга тушса, киёмат кавмини бир-бирига ургай. (Ўша манба).

Мавлоно Жалолиддин Румийга кўра, Мансур Халложнинг нури 150 йилдан сўнг Фаридиддин Атторнинг рухониятига тажалли килди ва унинг мураббийси бўлди. (“Фихи мо фихи” - «Ичиндаги ичиндадир») Бундан ташкари Атторнинг увайсий (рухдан таълим олганлиги) эканлигини кўп ёзганлар.

Баъзи тадкикотчилар ёндашганидек, Мансурни “бир гурух жохил рухонийлар” ёки “диний реакцион тўдалар” ўлдирмаган. Матнга, умуман тарихга бундай ёндашиш ярамайди, собик тузум шароитида эмасмизки, бундай сўзларни кўлласак. Юкорида таъкидлаганимиздек, унинг катлида авлиёлар хам иштирок этган. Унинг катлига Жунайд Багдодийдек кутби замон (кутб-авлиёларнинг энг олий макоми ва дунё уларнинг борлиги учун койим турадиган, Пайгамбар (с.а.в.)дан сўнг коинот ана шундай еттита абдоллар борлиги учун бир низомда сакланадиган) бўлган зотнинг фатвоси хам кўшилган. Хатто Мансурнинг катлидан кейин эртаси кун майдон “Анал Хак” садосига тўлиб кетганида бир гурух солих кишилар ва Халложнинг муридлари катлга фатво ёзган кози калон Абу Умарнинг махкамасига келиб “Бу не хол? Уни нотўгри катл килдик?”деб гавго кўтарганларида унинг жахли чикиб “Ахир буни хамма мўмин хам кила олади!” деб сиёхдонни зарда билан ташлаб юборганида ерда “Анал Хак” ёзуви хосил бўлади. Шундан кейин одамлар индамай таркаб кетадилар.

Энди “Мансур Халложнинг катли халолми?” деган масалага келсак, бизнингча, унинг катли халол, ўлдирилиши керак эди. Тавхидни, шаръиатни химоя килиш максадида, ахли сунна вал-жамоа таркибидаги барча мазхабларга (ханафия, шофия, ханбалия, моликия) кўра, хусусан амал мазхабимиз ханафийликка, эътикод мазхабимиз мотуридийликка асосланиб катли халол деймиз. Мотуридийнинг “Жомеъ ул мутун” (Ахмад Кумушхонавий) асарида “Халложнинг катли халол” дейилади ва хукм шундай изохланади: Хусайн Мансурни тадкик килинганида унинг бисотидан мухлислари, муридлари ёзган хатларида “Сен Раббларнинг Раббисисан”, “Сен бизнинг Раббимизсан” каби жумлалар мавжуд номалар топилади. Шунингдек, “Анал Хак” икрори кишини катлига етарлидир. Шу маънода Халложнинг катли раводир. Лекин биз уни катлига Жунайддек (суврати катл килингувчи, сийратини Худо билади) муносабатдамиз. Куфрга нисбат бермаймиз, унинг рухониятига тош эмас, Шиблийдек “гул отамиз”, холос. Кейинги давр тадкикотчилари – шаркшунослар Бартольд, Бертелсь, Эдуард Браун ва бошка тадкикотчилар “катл килувчилар”га нисбатан совук муносабатини уларнинг маданияти, дини бошкалигига йўйиб тушуниш мумкин. Лекин, бу холатга ўзимизнинг тадкикотчилар хушёр бўлиб ёндашсалар фойдадан холи бўлмайди.

Таникли олим – Хомиджон Хомидий домла “Тасаввуф алломалари” асарида Мансур Халлож хакида куйдагиларни ёзган: “...сўфизмдаги пантеистик таълимотга кўра хар икки оламнинг (икки олам эмас, ўн саккиз минг олам дейиш керак – Ш.Ж.) яратувчиси – Оллох ўзи халк этган нарса ва махлукларда зухур этади (зухур этмайди, зухур бу зохир бўлиш, пайдо бўлиш, деганидир, вахоланки, Аллох макондан, замондан, яратган махлукларидан муназзахдир – Ш.Ж.), яъни улар мутлак моянинг заррачаларидир”. Тухумнинг мояси бўлади, агар домла (Хомиджон Хомидий) “моя” деб фалсафа категориясидаги субстанцияни, жавхарни, физика тушунчасидаги атомни назарда тутаётган бўлсалар улар “заррачалар”га бўлинмайди. Хомиджон домла кейинги жумлада давом этади: “ Мансур Халлож таълимотининг асосини ана шу нарсада “Тангрининг инъикоси” ташкил этади”. Домланинг “инъикос” деган фалсафий хорижий

иборасини “аксланиш” деб кабул килсак хам максад хосил бўлмайди. Биринчидан, Мансур Халлож хозирги олимларга ўхшаб таълимот яратмаган, унинг холатини ўрганувчилар таълимот, тасниф ишлаб чикадилар. Иккинчидан, Тангри хеч качон “инъикос” этмайди. Аллохнинг “тажалли”сини хам биз тушунадиган илм билан ўрганиб бўлмайди. Бу худди сувда ойнинг аксини кўриб мен ойни арикда кўрдим деган боланинг тасаввурига ўхшайди. Вахоланки, салкам Ер сайёрасидек келадиган Ой сайёрасининг кичик арикка сигмаслиги хаммага аён. Халложнинг холатига хам “тажаллини (Аллохни ўзи эмас), нурни соясининг бир жузви етган, холос. Акс холда “инъикос”га тоглар, сайёралар чидамайди, Халлож чидай олармиди. Кейинги жумлада “Шайхнинг мухолифлари ана шу жихатни хисобга олмай, аникроги, чукур тушуниб етмай, уни “пайгамбарлик”, “Худолик” даъво этди, деб жохилликка йўл кўядилар”. Домланинг бу тушунчалари хорижий олимларнинг матнга беписанд ёндашишларига ўхшаб кетмокда. Х.Хомидий ибораси билан айтганда Мансур Халложнинг “мухолифлари”, катлга фатво чикарган зотлар “жохил” эмасликларини эса юкорида тахлил килдик. Умуман, энди тарихий вазиятни, матнни герменевтик жихатдан ўрганмай “фалон диний реакцион тўда”, “фалон жохил уламолар” каби ёндашишлардан чекинсак яхши бўларди.

Шунингдек, Мансур каби кисматга дучор бўлган кишилар (Насимий, Машраб каби) котилларини хам мазаммат килиш, ёмонлаш мумкин эмас. Хатто улар канчалик нафратга лойик бўлса хам шаръиатни, тавхидни химоя килганлар. Масалан, бошидан товонигача териси шилиб олинган Имомиддин Насимий ўлимига шеър айтиб шодлик кўрсатиб бораётганида (ибрат бўладиган жахондаги энг ажиб ишлардан бири содир бўлади) катлга фатво берган уламолардан бири “Бу зиндик шундай кишики хазир бўлинг, агар хозир терисини шилаётганингизда бир жойингизга кони тегиб кетса ўша аъзойингизни кесиб ташлашга тўгри келади”, дейди. Фалакнинг ишини карангки, ўша гапираётган одамнинг кўрсаткич бармогига Насимийнинг кони томчилайди. Буни кўрган халк “Сўзингизни исботланг!” , “Бармогингизни кесиб ташланг!” деб талаб кила бошлайди, у эса “Ха, энди мисол учун гапирган эдим” деб ўзини окламокчи бўлади. Ажиб холатга эътибор килинг “Огламас” радифли шеърини айтаётган Насимий жони чикаётганида сўнги байтни шундай тугатади:

“Зохидинг бир бармогин кесса дўниб Хакдан кочар,
Бир Ошики сарупо сўярлар огламас”

Мазмуни: Зохидинг бир бармоги учун Хакдан тониб, сўзига жавоб беролмади, Бир Ошикни сарупо яъни бошдан оёк терисини шилиб, сўймокдалар, лекин бу унга хеч нарса эмас.

Машраб хам жуда кўп шеърларида “Шароби антахур ичиб, Мансур каби дор тагида титрагайман” ва шунга ўхшаш сатрлари билан ўз ўлимини башорат килган.

Насимий, Машрабларнинг ўзи алохида мавзу. Сўз чўзилмасин учун мухтасар киламиз. Матнни тушуниш хеч качон охирига етмайди (Гадамер). Тарихий матнлар эса ёш келинларга ўхшайди, качонки ўзимизни унга багишласак, бизга багрини очади. Хуллас, тарихий матн вазиятлар билан богликдир. Тарихни ўрганиш эса уни кайта яшашдир.

Шукур ЖАББОРОВ

Илова

"....ВАХДАТУЛ ВУЖУД (Пантеизм) карашидаги мутаккалим яъни файласуфларнинг "ижоди"да мухим роль уйнаган бир адашиш эди. Манбъаларга карасак бу фикр билан ўрта асрларда тарикат ахлларининг аксари "касал" бўлганди.
Уларниг энг машхури албатта Мансур Халлождир. Ундан кейингилар Мансур Халложни ўзларига пир килиб олдилар.

"Хусайн ибн Мансур ул-Халлож "Аналхак"-"Мен Хакман, Хаксиз вужуд йук" дегани каби, баъзи мутасаввифлар хам: "Солик гояга (максадга) етгач, ёш нихолга сув хулул этишдек, Аллох хам унга хулул этади, ажратиш мумкин булмайди, шунда: "Мен Уман, У мендир" дейиш мумкин..." дейишади. Уларнинг фикрича, бу кўшилув ё иттисол (богланиш), ё ижтимоъ (жамланиш), ёки истихола (холдан кайтиш) йўли билан бўлади. Аллох бу каби холлардан муназзахдир. Булар даъво киладиган иттисол ва ижтимоъ каби холлар, аслида Аллохнинг нури соликнинг калбида акс этмогидан иборат. Улар буни хулул деб (кириб ўрнашиш) деб уйлайдилар. Сувга караган бола, куёшнинг аксини сув ичида курганида, Шу куёш дегани каби бу...
Бундай кимсаларга ушбу хусусдаги нарсалар тадбик этилади: Тавба килсалар, тавбалари кабул килинади. Бу айтган сўзлари важд холида айтилган булса, охиратда нажотдадирлар. Дунёда эса барибир зохирига караб хукм килинади.

...Тилмисонийнинг ривоятига кўра, Мансур Халлож ўз тобиъларига (ёронларига) ЁЗГАН МАКТУБИДА БУНДАЙ ДЕГАН ЭКАНЛАР: "Раббиларининг Раббидан бандаси фалонча ўгли фалончага...
Тобъилари хам хат ёзганда у кишига ушбу иборалар билан хитоб этишаркан: "Эй зотларнинг зоти, Сен хар шаклга кирасан, Сен шу онда Хусайн ибн Мансур шаклидасан, Сен Алламул-Гуйубсан, Сенинг рахматингни истаймиз". Агар накл рост бўлса, тортушувга лузум йук. Катли вожибдир."Жомиъ ул мутун" китобидан)".

Тасаввуф хакида шайх хазратларининг "ТАСАВВУФ ХАКИДА ТАСАВВУР" китоби нашрдан чикккан. Биродарлар ушбу китоб билан танишиб чиксалар кўп нарсалардан хабардор бўладилар, Инша Аллох. Албатта ўкиб чикишларингизни тавсия этаман. Куйида ушбу китобдан баъзи иктибослар келтирилади:

Имом Суютий ўзларининг «Тарихи хулафо» номли китобларида куйидагиларни ёзадилар:
«Хижрий уч юз биринчи санада Халложни туяга миндириб сазойи килинган холда Багдодга олиб кирилди ва: «Бу карматийларнинг даъватчиларидан биридир! Уни таниб кўйинглар!» деб жар солинди. Сўнгра тўккизинчи йили катл килингунича камаб кўйилди. Уч юз тўккизинчи йили Халложни кози Абу Амр, фукахолар ва уламоларнинг унинг кони халоллиги хакидаги фатвоси ила катл килинди».
Халложнинг кадимги ва хозирги мухлислари даъво килганларидек, уни тўгри гапни айтгани учун баъзи жохиллар катл килган эмас. Балки уни энг нотўгри гапни айтиб, айтганида туриб олганидан кейин, тўккиз йил камокда колиб хам ўзига келмаганидан

кейин мусулмонларнинг ижмоъи ила катл килишга хукм килинган.
Албатта, хижрий тўртинчи асрнинг бошида исломий илмлар ўзининг авжида, мусулмонлар дийнларида мустахкам холларида, дийний эътикод ва таълимотлар мусаффо холида эди.
Аммо, кейинчалик таназзулга юз тутилди. Турли омиллар таъсирида мусулмонлар ичида Ислом таълимотларига зид нарсалар хам таркала борди. Одамлар Куръон ва Суннатни кўйиб, турли фалсафа ва ажабтовур фикрларга берилиб кетди.
Бора-бора Мансур Халложнинг «аналхак» – Хакк менман» ёки «маа фил жуббати иллаллоху» – чопоннинг ичида Аллохдан бошка йўк» каби иборалари хам ип эша олмайдиган гап-сўзлар ва ишлар кенг таркалди.
Ўша нарсаларга мисолларни шайх Абул Хасан Надавий рахматуллохи алайхининг имом Сархандийнинг хаётлари хакида ёзган китобларидан таржима холида келтирамиз.
«Тилмисоний вужудий мазхабни амалда татбик килар эди. У барча харом нарсаларни халол хисобларди. У: «Мавжуд битта бўлганидан кейин, халол билан харомнинг орасини фарклашнинг нима хожати бор», дер эди».
Бир киши бошка бировдан Ибн Арабийнинг «Фусу-сул хикам»ини ўкир эди. У ўз устозини Аллохнинг валий ва ориф бандаларидан деб билар эди. У китобни ўкиб туриб, унинг Куръонга хилофлигини билиб колди ва устозига: «Бу гап Куръонга хилоф-ку», деди. Шунда халиги устози: «Куръоннинг хаммаси ширкдир. Тавхид бизнинг каломимизда, холос», деди.
Бир киши вахдатул вужуд назариясига амал килувчи шахс билан юриб бораётиб, сасиб ётган ўлик итни кўрди ва: «Бу хам Аллохнинг зотими», деди. Вахдатул вужудчи: «Ундан ташкарига чикадиган нарса бормиди? Ха, хамма нарса Унинг зотидир!» деди.
Вахдатул вужуд назарияси тарафдорига: «Агар вужуд битта бўлса, нима учун хотин халол бўлиб, она харом бўлган», дейилди. Шунда у саволга: «Бизнинг наздимизда хамма нарса битта. Аммо анави сўкирлар «харом» дедилар ва биз сизларга «харом» дедик», деб жавоб берди.
Бу холат вахдатул вужуд назарияси танкидчилари каторига баъзи илмли сўфийларнинг хам кўшилишига олиб келди...

Абу Муслим тайёрлади